

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИЗИЁЕВ МАЊНАВИЙ ЕТУК ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШДА ТАРИХ ФАНИНИНГ ЎРНИ ХУСУСИДА

Наим Обломуродов

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Ижтимоий фанлар кафедраси профессори, тар.ф.д.*

Аннотация: мақолада глобаллашув шароитида Президент Шавкат Мизиёевнинг мањнавий етук шахсни тарбиялашда тарих фанининг ўрни хусусидаги фикр-мулоҳазалари, таклифлари ва ташабbusлари ўрин олган. Унда давлат рахбарининг мањнавий етук шахсни тарбиялашда Ўзбекистон тарихининг ўрни ҳамда аҳамияти, мустақиллик йилларида ҳаққоний тарихимизни ўрганиш борасида йўл қўйилган камчиликларни ҳал қилиш юзасидан илгари сурган ғоялари ёритилган. Бу борада давлат рахбарининг ушбу соҳада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги баён қилинган.

Калит сўзлар: тарих фани, баркамол авлод, мањнавият, шахс, Ўзбекистон тарихи, стратегия, давлатчилик, тарихий билим, ҳақиқат, Янги Ўзбекистон, мурожаатнома, тарбия.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИЗИЕЕВ О РОЛИ ИСТОРИИ В ВОСПИТАНИИ ДУХОВНО СОВЕРШЕННОГО ЧЕЛОВЕКА

Наим Обломуродов

*Профессор кафедры социальных наук Ташкентского государственного
экономического университета. докт. ист наук.*

Аннотация: в статье изложены мнения, инициативы и предложения Президента Шавката Мизиева о роли истории в воспитании духовно-совершённого человека в условиях глобализации. В нем раскрываются роль и значение истории Узбекистана в воспитании духовно воспитанного человека, идеи, выдвинутые главой государства решения некоторых проблем в изучении нашей подлинной истории в годы независимости. Констатируется необходимость усиления научно-исследовательской работы в этом направлении, а также необходимость всемерной поддержки деятельности ученых в области гуманитарных наук.

Ключевые слова: история, совершенное поколение, духовность, личность, история Узбекистана, стратегия, государственность, историческое знание, истина, Новый Узбекистан, призыв, образование.

PRESIDENT SHAVKAT MIZIEEV ON THE ROLE OF HISTORY IN EDUCATING A SPIRITUALLY PERFECT PERSON

Naim Oblomurodov

Tashkent State Economic University

Professor of the Department of Social Sciences.

Abstract: the article outlines the opinions, initiatives and proposals of President Shavkat Miziyoev on the role of history in the education of a spiritually perfect person in the context of globalization. It reveals the role and significance of the history of Uzbekistan in the education of a spiritually educated person, the ideas put forward by the head of state for solving some problems in the study of our true history during the years of independence. The need to strengthen research work in this direction is stated, as well as the need to fully support the activities of scientists in the field of humanities.

Key words: history, perfect generation, spirituality, personality, history of Uzbekistan, strategy, statehood, historical knowledge, truth, New Uzbekistan, conscription, education.

Бугунги глобаллашув даврида мамлакатимиз бой тарихи, миллий давлатчилигининг шаклланиши ва тараққий этиши мақсадида халқимиз, айниқса ёшлар онгида бой ўтмишимизга нисбатан ғуур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш, уларни ватанга нисбатан муҳаббат руҳида тарбиялаш вазифаси янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида 77-мақсаднинг “Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантириш” вазифаси белгиланганлиги ва унда Тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш кўзда тутилганлиги¹ халқимиз ва унинг давлатчилиги тарихини ўрганишга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилаётганлигини тасдиқлади.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Биз бу билан ҳақли равишда фаҳрланишимиз, ушбу бой, моддий ва маънавий меросни келажак авлодларга ўз ҳолиҷа етказмоғимиз зарур. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижаатли буюк халқмиз. Барчамиз бир тану бир жон бўлиб,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Фармони. // Янги Ўзбекистон. 2022 йил, 1 феврал, №22 (544)

яқдил ва ахил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай мэрраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихнинг янги саҳифасини яратишга қодирмиз”². Албатта, бу қадимий ва табаррук маскандан буюк алломалар, фозиллар, олиму уламолар, саркардалар етишиб чиқсан. Кўплаб диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Ўтмишда барпо этилган муҳташам тарихий ёдгорликлар ва иншоотлар шу кунгача ўз кўркини, маҳобатини йўқотмаганлиги, қадимдан юртимизда ўтрок дехқончилик, ривожланган хунармандчилик маданияти, меъморчилик, шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Ушбу тарихий меросни ўрганишнинг назарий-методологик асослари ҳамда тамойиллари хусусидаги муҳим таклифларнинг давлатимиз раҳбари томонидан ўртага ташланиши мустақиллик йилларида ҳаққоний тарихимизни ўрганиш борасидаги айrim муаммоларни ҳал қилишда муҳим дастур бўлди.

Мустақиллик йилларида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш истиқболи тақдиримизни белгилайдиган ва жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимиз бўлишини таъминлайдиган жараёнига айланди. Яъни, Ватанимиз келажагининг устуни бўлган ёш авлод онгига миллий ғоя тафаккури, ватанпарварлик ва инсонпарварликни шакллантиришда ижтимоий-гуманитар, айниқса тарих фанининг ўрни ва роли бекиёс бўлиб, унинг янги педагогик технология асосида ўқитиш методикаси алоҳида ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан биргаликда бу борада узоқ йиллар мобайнида йўл қўйилган айrim хато ва камчиликларни рўй рост танқидий таҳлил қилиниши ҳам муҳим воқеа бўлди. Бу борада ўз фикр мулоҳазаларини билдирган Президентимиз қўйидагиларни қайд этади: “Афсуски, юртимиз тарихини ўрганишда ўтган даврларда археологик тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмади. Шунинг учун Фанлар академиясининг Археология ва Санъатшунослик институтлари фаолиятини, олий ўқув юртлари ва музейлардаги археологик изланишларни чет эллик ҳамкорлар билан бирга ташкил этиш зарур”³.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Буюк аллома ва адилларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиш керак. Шу мақсадда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида “Ўзбекистон тарихи” телеканалини ташкил этиб, илмий жамоатчилик,

²<https://president.uz/uz/lists/view/3322>

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т., 2019. 20-бет.

ижодкор зиёлиларимиз билан биргаликда унинг дастурларини пухта шакллантириш керак. Мамлакатимиз музейларида сақланаётган тарихий экспонатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, ҳар бир музейнинг каталогини яратиш лозим”⁴, дея қайд этилди.

Тарих фанини ўрганишда маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий ғоя ва назарияларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Улар тарих фанининг мазмун ва моҳиятини чуқурроқ англашга шунингдек фанни ўрганишнинг мақсад ва вазифаларини кенгроқ очиб беришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам уни маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий-назарий асосларига таянган ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан Биринчи Президент Ислом Каримов тарихнинг энг муқаддас миллий ва умуминсоний хотира ҳамда қадрият эканлигини таъкидлаб, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асарларида “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”, “Тарих-халқ маънавиятининг асосидир” деган сўзларида тарихий ҳақиқатни ва маънавий ўзликни англашга ундовчи, теран илмий-назарий фикрларни илгари сурган эдилар.

Ушбу тамойиллар Президент Шавкат Мирзиёев томонидан изчил давом эттирилиб, мустақиллик йилларида ҳаққоний тарихимизни ўрганиш борасида кўплаб илмий ва назарий хулосаларни бериб келмоқда. Айниқса узоқ йиллар мобайнида йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларни рўй рост танқидий таҳлил қилиниши ҳам муҳимdir.

Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Қадимги ноёб ёдгорликлар, маданий мерос объектларининг тарихий-маданий қиммати, уларни асрраб авайлаш, халқимиз, жумладан ёш авлод тарбияси ва маънавиятида тутган ўрни хусусида гапирган мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев, биргина Ахсикент археологик ёдгорлиги мисолида қайд этади. Тарихий манбаларда, хусусан, “Бобурнома”да бу кентнинг алоҳида аҳамияти ҳақида кўп ёзилган. Қадимдан бу ерда ер ости сув иншооти бўлгани боис мудофаа учун қулай саналган 60 гектарга яқин қисми сақланиб қолган Ахсикент харобалари Фарғона водийсидаги энг катта археологик ёдгорликдир. Археологлар томонидан темирчилар устахонаси, X-XIII асрларга оид ҳаммом қолдиқлари, аскарлар хоналари, жоме масжиди, мудофаа деворлари, ер ости ирригация тармоқлари, хунармандлар маҳалласи, ҳукмдор қароргоҳи – Арк қазиб ўрганилган.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабр.

Бундай тарихий ёдгорликлар Ўзбекистон худудида кўплаб топилади. Тарих фанини ўрганиш кўп маънода тарихий манбаларга таянади. Бусиз умуман фанни ва унинг объектини тасаввур этиб бўлмайди. Зоро, бизгача этиб келган бундай моддий ва ёзма манбалар Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан характерлидир.

Тарих фани ва унга оид билимлар жамият манфаатларига, инсонларнинг маънавий дунёсига ижобий таъсир қилиши, кишиларда тарихий хотира, аждодлар меросидан фаҳрланиш туйғусини уйғота олиши лозим. Бу борада ўз фикрларини баён қилган Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномада, олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур, - деган эди.

Давлат раҳбари ўз чиқишлари ва мурожаатларида 2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида, маърифат машъалини баланд қўтариб чиқсан аллома ва адаб Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини кенг нишонланишини билдириб ўтди. Хусусан, Президентимизнинг таъкидлашича, “...биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиш керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга solaётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”⁵.

Олий Мажлисга қилинган Мурожаатномада Президент Шавкат Мирзиёев “Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, яқдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихнинг янги саҳифасини яратишга қодирмиз. Бу йўлда қандай қийинчилик ва мاشаққатлар бўлмасин, барчасини мардона енгиб ўтишга тайёрмиз. Бундай эзгу ишларда бизга Яратганинг ўзи, буюк аждодларимизнинг пок руҳлари мададкор бўлади, деб ишонаман, деганлиги янада аҳамиятли бўлди”⁶, - дея уқтирган эди.

Халқимиз янги тарихининг муҳим воқеларидан бири сифатида Президентимиз ташаббуси билан пойтахт Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 75 йиллигига бағишилаб “Фалаба боғи”, “Шон-шараф” музейи, “Матонат мадҳияси”, “Мангу

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.

жасорат” монументи барпо этилди. Мазкур улуғвор мажмуанинг барпо этилиши халқимиз тарихининг ҳамда шонли ўтмишининг ёрқин намунаси бўлди. Чунки ўзбекистонликлар иккинчи жаҳон урушининг ғалаба билан якунланишида улкан ҳисса қўшдилар. Лекин шу пайтгача бу жасоратни бор кўлами билан кўрсатиб берадиган яхлит мажмуа ҳали республикамизда йўқ эди. Давлатимиз илмий-ижодий жамоатчилигининг таклифлари, хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида тез орада алоҳида бадиий-меъморий концепция ишлаб чиқилди. Ушбу концепция асосида ғалаба шарафига улуғвор ва бетакрор мажмуа бунёд этилди.

Ҳар жиҳатдан пухта ишланган лойиҳалар асосида шакллантирилган бу ердаги мажмуа тимсолида халқимизнинг қонли жанглардаги мардлиги ва фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва фидоийлиги акс эттирилди. 2020 йилнинг 9 май куни “Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни”га бағишлиб ўтказилган тантанали тадбирда давлатимиз раҳбари қуидагиларни қайд этди: “Мен аввалги чиқишиларимда эл-юртимизнинг буюк ғалабага қўшган ҳиссаси ҳали тўлиқ ўрганилмагани ҳақида гапириб, жаоатчилигимиз эътиборини шу масалага қаратган эдим. Бугун мамнуният билан айтмоқчиманки, кейинги йилларда шу йўналишда жуда катта ишларни амалга оширидик.

Аввало, илгари ёпиқ бўлган архив ҳужжатларини илмий жамоачилик учун маълум бўлмаган материалларни ўрганиш учун имконият яратилди. Бу борада собиқ иттифоқ республикалари ва чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар ва фондлар, тарихчи олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кучайтирилди.

Ана шундай илмий изланишлар натижасида халқимизнинг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида, қаҳрамон аждодларимиз ҳақида жуда муҳим янги маълумотларга эга бўлдик. Ҳозирги вақтда улар оммавий ахборот воситаларида, китоб ва альбомларда кенг ёритилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Масалан, шу вақтга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб хисобланар эди. Янги топилган маълумотларга кўра, Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган. Аёвсиз жангларда мардона қатнашган қарийиб 451 минг нафар юртдошимизнинг номлари ва тақдири шунча йиллар мобайнида эътибордан четад қолиб келганини, албатта, адолатдан деб, бўлмайди.

Шунингдек, ўша даврда қулоқ сифатида бошқа ўлкаларга сургун қилинган 59 мингдан ортиқ ватандошимиз ҳам ҳаракатдаги армияга сафарбар этилгани маълум бўлди. Шу борада яна баъзи рақамларни келтирмоқчиман. Илгари 390

минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтилар эди. Аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган”⁷, - дея уқтиради Президентимиз.

Умуман, мустақиллик йилларида мустақил тараққиётимизни белгилаш, давлат ва жамият қурилишини ислоҳ этиш бўйича ноёб тажриба тўпланди ва амалга оширилди. Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш асосида ёш авлодга жаҳон тарихи билан муштарак тарзда ватанимиз тарихининг энг янги давридаги воқеаларни, давлатимиз тараққиётининг муҳим йўналишларини англаб этиш, давлатнинг янги стратегик дастурлари асосида ўрганишни тақозо этмоқда. Ўзбекистоннинг бугунги дунёдаги ўрни ва роли ҳамда ички ва ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишлари ҳақидаги билимларни шакллантиришга кўмаклашиш масаласи давлат раҳбари эътиборида эканлиги эътирофга сазовордир. Зоро Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, - “Мен барчангизни тарихни ўрганишда янада уйғок, янада фаол бўлишга чақирмоқчиман. Тарихга сергак қараган одамгина доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшайди. Бугунги вазиятга ҳам келгуси жараёнларга ҳам холис ва ҳаққоний баҳо бера олади. Бу эса ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, юксак тараққиётга эришишнинг энг муҳим шартидир”⁸.

Мамлакатимиз тарихини ўрганиш ёшларнинг бу тарихий анъаналар ва олийжаноб фазилатлар манбаларини, улар мустаҳкам заминга эгалигини, тарихан таркиб топғанлигини, авлоддан-авлодга ўтиб, мазмунан бойиб борғанлигини, жамиятнинг равнақи ва фаровонлиги, инсонларнинг маънавий камолоти учун хизмат қилиб келғанлигини, уларни бундан кейин асраб-авайлаб давом эттириш, авлодларимизнинг инсоний фазилатларига содик бўлиш ўзларининг муқаддас бурчлари эканлигини англаб олишларига ёрдам беради. Зоро, давлат раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларида, “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У ҳалқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”⁹.

⁷ Аждодлар жасорати ва хотирасига юксак эҳтиром // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. № 80. Т., 2020 йил. 10 май.

⁸ Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ ҳалқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019, 3-жилд. -Б.147.

⁹ Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 1-жилд, -Б.29.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.
2. <https://president.uz/uz/lists/view/3322>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т., 2019. 20-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабр.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.
7. Аждодлар жасорати ва хотирасига юксак эҳтиром // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. № 80. Т., 2020 йил. 10 май.
8. Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019, 3-жилд. -Б.147.
9. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 1-жилд, -Б.29.